

# Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги 204-сон қарорининг мазмун-моҳияти бўйича АННОТАЦИЯ

Юртимизда энергоресурслардан оқилона фойдаланишни таминлаш мақсадида жорий йилнинг 16 апрелида “Ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 204-сон Ҳукумат қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан энергоресурслар билан боғлиқ бир қатор янгиликлар жорий қилинмоқда, хусусан:

Маиший истеъмолчилар учун ижтимоий меъёрлар белгиланди.

Қарор билан, 1 майдан бошлаб маиший истеъмолчилар (аҳоли хонадонлари) учун қуйидагича ижтимоий (базавий) меъёрлар киритилади:

электр энергияси – ойига 200 кВтхъгача;

табиий газ (март-октябр ойларида) – ойига 100 кубометргача;

табиий газ (ноябр-феврал ойларида) – ойига 500 кубометргача.

Географик ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида иситиш мавсуми республиканинг бошқа ҳудудларидан фарқли равишда октябр-феврал ойлари деб белгиланди.

2024 йил 1 майдан янги тарифлар кучга киради

Электр энергияси учун

Маиший истеъмолчилар учун тарифлар (1 кВтх учун, ойига):

— 200 кВтхъгача – 450 сўм (ҳозирда 295 сўм);

— 201 кВтхъдан 1000 кВтхъгача – 900 сўм;

— 1001 кВтхъдан 5000 кВтхъгача – 1350 сўм;

— 5001 кВтхъдан 10 000 кВтхъгача – 1575 сўм;

— 10 001 кВтхъдан кейин – 1800 сўм.

Овқат тайёрлаш учун марказлашган ҳолда электр плиталари билан

жиҳозланган кўп қаватли уй-жойлар ва ётоқхоналарда яшовчи маиший истеъмолчилар белгиланган тарифларнинг 50 фоизи миқдорида тўлашда давом этади.

Ҳисоб-китобларга кўра битта хонадонда 11 турдаги электр жиҳозлари ишлатилганида бир ойда ўртача 180 кВтҗ энергия сарфланади.

Табиий газ учун

Иситиш мавсумида – ноябр-феврал ойларида аҳоли хонадонлари учун табиий газ тарифлари (1 кубометр учун, ойига):

- 500 кубометргача – 650 сўм (ҳозирда 380 сўм);
- 501 кубометрдан 2500 кубометргача – 1500 сўм;
- 2501 кубометрдан 5000 кубометргача – 1950 сўм;
- 5001 кубометрдан 10 000 кубометргача – 2275 сўм;
- 10 001 кубометрдан кейин – 2600 сўм.

Ҳисоб-китобларга кўра битта хонадонда бир ойда ўртача 500 куб/метр табиий газ ишлатилади.

Март-октябр ойларида:

- 100 кубометргача – 650 сўм;
- 101 кубометрдан 2500 кубометргача – 1500 сўм;
- 2501 кубометрдан 5000 кубометргача – 1950 сўм;
- 5001 кубометрдан 10 000 кубометргача – 2275 сўм;
- 10 001 кубометрдан кейин – 2600 сўм.

Аҳолига фойдаланилган газ ва электр ҳақидаги маълумотлар ҳар ойда юборилади

2024 йил 1 июндан фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ бўйича ойлик маълумот “базавий меъёр” ва ундан ортиқ ҳажмлар кесимида истеъмолчиларга юборилади.

Эҳтиёжманд оилаларга меъёрдан ортиқ ишлатилган электр ва газ учун пул берилади

Иситиш мавсумида (ноябр – феврал ойларида) эҳтиёжманд оилаларга қуйидаги

компенсациялар берилади:

– ноябрда 270 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам;

– электр ва газ бўйича базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ компенсация қилиб берилади:

газ учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 250 куб метргача;

электр учун – ойига базавий меъёрдан ортиқ фойдаланилган 150 кВт соатгача.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги эҳтиёжманд оилалар учун тўловлар октябр ойидан бошлаб тўланади.

Эҳтиёжманд оила сифатида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” тизимида киритилган оилалар тушунилади. “Маҳалла еттилиги” томонидан Ягона реестрга кирмаган эҳтиёжманд оилаларнинг эса қўшимча рўйхати шакллантирилади.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳам маҳаллалар кесимидаги эҳтиёжманд оилалар қўшимча рўйхатига ўзгартириш киритиши мумкин.

Эҳтиёжманд оилалар компенсация олиш учун “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилиши керак

Компенсация олувчи эҳтиёжманд оилалар ноябр – март ойларида (ҳар ойнинг 15-санасигача) “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ёки маҳаллаларда фаолият юритувчи ижтимоий ходимларга мурожаат қилади.

Бунда, аризада паспорт маълумотлари, абонент рақами ва телефон рақами кўрсатилади. Ариза берилган ойнинг 27-санасигача “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ билан биргаликда ўрганилади.

Ўрганиш натижаси асосида компенсация пуллари ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 27-санасигача эҳтиёжманд оилаларнинг пластик картасига ўтказиб берилади.

Пластик картаси бўлмаган эҳтиёжманд оилаларга карта бепул очиб берилади. Ҳокимликлар Халқ банки билан биргаликда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тақдим этилган рўйхатга мувофиқ 2024 йил 1 ноябргача банк пластик картаси бўлмаган эҳтиёжманд оилалар вакилига бепул асосда пластик карталар очиб берилишини таъминлайди.

**Узун туман адлия бўлими бошлиғи**

**А.Шарипов**